Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 16 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 241 (11.302) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## 2008 — Ёшлар йили

**ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА «ТОШКЕНТ ҚУВОНЧЛАРИ» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ БОЛАЛАР РАСМЛАРИ БИЕННАЛЕСИ ОЧИЛДИ. «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДАГИ УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**



## ТОШКЕНТНИНГ БЕҒУБОР ҚУВОНЧЛАРИ







Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни юксак маънавиятли, соғлом ва теран тафаккур, чуқур билим ва тарбия соҳиби этиб тарбиялаш борасида барча зарур шароит ва имкониятлар яратилгани таъкидланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим тизимида туб ижобий ўзгаришларни амалга ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари, болалар бадиий ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш, маърифий-тарбиявий жараёнга илғор педагогик технологияларни кенг жорий этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айни пайтда навқирон авлоднинг бадиий-эстетик дунёқарашини бойитиш, иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш бу борадаги эзгу ишларнинг узвий қисмидир. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида кўплаб ижодий кўрик-танловлар, фестиваллар, бадиий кўргазмалар ўтказилаётгани болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

«Тошкент қувончлари» иккинчи халқаро Тошкент болалар расмлари биенналесини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад болалар бадиий ижодиётини ривожлантириш, юртимиз ёшларининг хориждаги тенгдошлари билан дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни тасвирий санъат воситасида аждодларимизнинг бой маънавий мероси, боқий анъана ва қадриятлари руҳида тарбиялаш, пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, маданий-маърифий ишлар билан атрофлича таништиришдан иборатдир.

Кўргазмада юртимиз ўғил-қизлари билан бирга Япония, Белоруссия, Болгария, Афғонистон, Вьетнам, Россия, Германия, Италия, Исроил, Индонезия, Латвия, Миср, Озарбойжон, Польша, Франция, Туркия, Саудия Арабистони каби кўплаб давлатларнинг бешдан ўн беш ёшгача бўлган болалари томонидан чизилган расмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

19 декабргача давом этадиган мазкур халқаро кўргазмадан ҳамюртимиз Улуғбек Келдиёровнинг «Орзу», япониялик Ишида Норитаканинг «Атрофимиздаги олам», индонезиялик Янатан Натаниэлнинг «Тошкент қувончлари», италиялик Элена Термайнинг «Қушлар», эронлик Хўжатех Халилийнинг «Мен билган Тошкент», хитойлик Суа Юшининг «Болалигим» каби етти юздан ортиқ ёрқин ва ранг-баранг расмлари ўрин олган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Қисқа сатрларда

● **МИРЗО** Улуғбек туманида Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан волонтёрлар иштирокида тактик машғулотлар ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб уюштирилган илмий-амалий семинар «Инсон ҳуқуқлари — талабалар нигоҳида» деб номланди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 31-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар, тарбиячилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** ташкил этилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилари учун пойтахт нашриётлариноширлари томонидан чоп этилган дарсликлар кўргазма-ярмаркасидан бадиий, илмий ва ҳуқуқий мавзулардаги адабиётлар ҳам ўрин олди.

● **ШАҲРИМИЗДА** менежерлар, мини-менежерларни тайёрлашда савдо-саноат палатасининг ўрнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН»** спорт мажмуасида шотокан каратэ-до бўйича уюштирилган Осиё чемпионати якунланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БАНК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА, БАНКЛАРИМИЗНИНГ АҲОЛИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА КЎРСАТАЁТГАН КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА. «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИ БУНИНГ ДАЛИЛИДИР.**

Фаолияти жаҳондаги микромолия ташкилотлари ишини таҳлил этишга йўналтирилган Микс Маркет компаниясининг (АҚШ) ҳисоботига кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банклар, давлат ва хусусий кредит уюшмалари орасида аҳолига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлари бўйича 2008 йилда энг юқори кўрсаткичга эришган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркор ва ишбилармонларга мадад бериб келаётган мазкур банк фаолиятида муҳим дастуриламал бўлаётир. Банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, ҳозир банкнинг 78 филиали, 272 мини банки 126 мингдан зиёд мижозга барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки хизматларининг бундай нуфузли компания ҳисоботида юқори баҳоланиши юртимизда банк-молия тизими барқарор ривожланаётганининг самарасидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***«British-American Tobacco» компаниясининг бош қароргоҳида Британия-Ўзбекистон жамияти фаолларининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Учрашув юртимиз Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланди.***

## ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ

Иштирокчиларга мамлакатимиз мустақил тараққиёти ва муваффақиятларининг асоси бўлган Асосий Қонунимиз тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди. Таъкидландики, конституцион қурилишнинг илғор ғоялари, демократик тамойиллар, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган Асосий Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги махсус комиссиянинг машаққатли меҳнати самарасидир. Халқаро-ҳуқуқий тамойиллар, фуқароларнинг фаровон ҳаёти, миллатлараро тинчлик-тотувлик ғояларининг устуворлиги ўз ифодасини топган Ўзбекистон Конституцияси халқаро ташкилотлар ва ривожланган хорижий давлатлар томонидан юқори баҳоланди.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари эътибори мамлакатимиз 2008 йилда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кўтарилганига ҳам қаратилди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалалари борасида ташланган қадамлар — ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонуннинг кучга кириши, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб амалга оширилиши кўзда тутилган Тадбирлар дастурининг қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб, ЯИМнинг ҳажмининг изчил ўсишига эришилди — бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 9,4 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг барча йўналишлардаги барқарор ривожланиши Британия билан турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш учун замин яратаётгани таъкидланди. Бунда 2001 йилда тузилган ва ўтган давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги маданий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Британия-Ўзбекистон жамияти муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда сўзга чиқиб, Британия-Ўзбекистон жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Британия-Ўзбекистон кенгашининг ҳамраиси Хартли Бут юртимиз халқини Конституция куни билан табриклади ҳамда мамлакат мустақиллик йилларида эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, «Ўзбекистон Конституцияси мамлакатнинг тадрижий ривожланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда». Х. Бут Британия-Ўзбекистон жамияти келгусида ҳам Британияда Ўзбекистон маданияти ва санъатини, мамлакатимизнинг ютуқ ва муваффақиятларини оммалаштиришга, икки томонлама иқтисодий муносабатларни фаоллаштиришга хизмат қилиш ниятида эканини айтиб ўтди.

Бу хусусда гапириб, Х.Бут Савдо ва саноат бўйича Британия-Ўзбекистон кенгашининг XV йиғилишида иштирок этиш учун (жорий йилнинг 26-28 ноябрь кунлари) Ўзбекистонда бўлган Британия иқтисодий делегацияси ташрифининг ижобий натижаларини қайд этди. «Ташрифимиз самарали кечди, — деди у. — Кенгаш йиғилишининг муваффақиятли ўтиши билан бир қаторда, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказдик. Уларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган ўзаро қизиқиш ортиб бораётгани намоён бўлди».

Тадбирда, шунингдек, «British-American Tobacco» компаниясининг Шарқий Европа давлатлари бўйича директори Дэвид Фелл ҳамда «UzBAT» қўшма корхонаси бош директори Детлеф Циммерманн сўзга чиқиб, компаниянинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлашди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги нишонланаётган шу кунларда компаниямиз Ўзбекистонда фаолият бошлаганининг 15 йиллигини нишонлаётганимиз бизга айниқса катта мамнуният бахш этади. Биз нафақат минтақа, балки компаниямизнинг халқаро тармоғидаги энг муҳим бўғинларидан бири бўлган «UzBAT»нинг фаолиятини келгусида янада кенгайтиришга катта аҳамият қаратмоқдамиз».

Д. Циммерманн Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларнинг самарасини алоҳида таъкидлаган ҳолда юртимизда таълим ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасига қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон олий ўқув юртларини тамомлаган ўнлаб юқори малакали мутахассислар «British-American Tobacco» компаниясининг хорижий бўлимларида менежер сифатида фаолият юритаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксена Ўзбекистонда фан, таълим ва маданий-тарихий меросни асраб-авайлашга берилаётган эътиборни юқори баҳолади. У Кембриж университети Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини чуқурлаштириш ниятида эканлигини алоҳида таъкидлади. «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ислоҳотлар босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда, — деди олим. — Улар, аввало, мамлакат жамиятининг ўзида шаклланиб, халқнинг тарихи, маданияти, кенг миқёсли ривожланишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришган ютуқлари бунга яққол мисол бўла олади. Юртингизда қадимдан мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам халқнинг ўзини ўзи англашида муҳим бўғинларидан бири бўлиб келаётган фуқаролик жамиятининг бекиёс модели мавжуд».

**«Жаҳон» АА,**
**Лондон**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Санофи-Аминтис фармацевтика компаниясининг (Франция) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида конференция ташкил этилди.**

● **Самарқанд шаҳрида ёшлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ғолибликни қўлга киритган маҳалла ёшлари иштирок этди.**

● **Тошкентда Ўзбекистон неврологларининг IV съезди бўлиб ўтди. Унда юртимиз шифокорлари, олимлари билан бирга, Германия, Португалия, Австрия, Исроил ва МДҲ мамлакатлари мутахассислари қатнашди.**

● **Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Реклама саноати» I Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда реклама агентликлари, соҳа экспертлари, дизайнерлар, ташқи реклама билан шуғулланувчи компания ва фирмалар, шунингдек, нашриётлар ўз хизмат ва маҳсулотларини намойиш этдилар.**

● **Жиззахда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Анжуман доирасида жиззахлик ёш ижодкорларнинг миллатлараро дўстлик, тотувликни акс эттирувчи расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Вилоятдаги рус, корейс, тожик, қирғиз каби миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи альбомлар, видеотасмалар ҳамда кўргазмали чиқишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.**

● **Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда «Тошвилматлуботинвест» давлат унитар корхонаси ташаббуси билан озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонларнинг вилоят озиқ-овқат ярмаркаси уюштирилди.**

● **БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди. Тадбирда қатнашган олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 105 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашдилар.**

● **Навоий вилояти Учқудуқ шаҳридаги «Беҳруз» хусусий фирмасида черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда бу ерда бир кеча-кундузда 500 донадан ортиқ сифатли маҳсулот тайёрланмоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Туркманистонда парламент сайлови бўлиб ўтди. Расмий маълумотларга кўра, унда сайловчиларнинг 93,87 фоизи иштирок этган. Парламентдаги 125 ўрин учун 288 номзод даъвогарлик қилган. Илк бор сайловларда хориждаги Туркманистон фуқаролари ҳам иштирок этдилар. Туркманистоннинг чет мамлакатлардаги элчихона ва консулхоналарида 27 та сайлов участкалари очилди.**

● **Буюк Британия Бош вазири Ґордон Брадун Покистонга терроризмга қарши кураш бўйича дастурни амалга ошириш учун 9 миллион долларлик маблағ ажратилишига ваъда берди.**

● **АҚШнинг янги Президенти Барак Обаманинг бўлғуси маъмуриятида физика бўйича Нобель мукофоти соҳиби Стивен Чуу энергетика вазири лавозимини эгаллайди.**

● **Куба давлати раҳбари Раул Кастро Кубадан иқтисодий тўсиқни олиб ташлаш юзасидан Шимолий Америка билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.**

● **Россия Федерацияси, АҚШ, БМТ ва Европа Иттифоқи Исроилни Фаластин ҳудудларида турар жойлар қурилишини тўхтатишга даъват этдилар.**

● **Миср пойтахти Қоҳира шаҳридан 200 километр жанубда жойлашган Эль-Минья шаҳри яқинидаги ирригация каналига автобуснинг қулаб тушиши оқибатида 50 дан ортиқ йўловчи ҳалок бўлди. Автобуснинг тўққиз нафар йўловчиси оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилди.**

● **Таиландда мухолифат вакили Абхизит Вежажив сайловларда ғолиб чиқиб, бош вазир сифатида иш бошлади. Парламентнинг 235 аъзоси Вежажив учун овоз берган. Собиқ ҳукмрон халқ ҳокимияти тарафдорлари қўллаб-қувватлаётган Прача промрот 198 нафар парламент аъзосининг овозини олган.**

● **Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги «Тож Маҳал» меҳмонхонаси маъмурияти ноябрь ойида содир бўлган кўпорувчилик ҳаракати қурбонлари ва жабрланувчиларининг оила аъзоларига ёрдам кўрсатувчи хайрия жамғармаси тузилишини маълум қилди.**

● **Каспий денгизида Астрахандан Эрон порти томон ҳаракатланаётган, бортида 11 нафар экипаж аъзоси бўлган Россиянинг «Сармат-1» кемаси ҳалокатга учради.**

● **АҚШда 17 йил давомида жуда улкан молиявий пирамида бунёд этган фирибгар Бернард Мэдофф фош этилди. Таъкидлаш керакки, унинг мижозлари орасида банкирлар, сенаторлар, гольф клублари соҳиблари ҳамда хориж давлатларининг йирик банклари борлиги аниқланди.**

*Фуқаролар йиғинларига сайлов*

# МАҲАЛЛА – УМУМИЙ УЙИМИЗ

**У ШУ ЕРДА ЎСИБ-УЛҒАЙДИ. УНИНГ ЖАМИЯТДА ОБРЎ-ЭЪТИБОР ТОПИБ, ЭЛ НАЗАРИДА БЎЛИШИДА ҲАМ МАҲАЛЛАСИНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР. КЎПЧИЛИК ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, БУ БОРАДА УНГА БУТУН МАҲАЛЛА ҲАМ ОТА, ҲАМ ОНА БЎЛДИ.**

Биринчи марта мактабга, кейинчалик институтга ҳам уни маҳалла билан кузатишди. Унинг тўйида озарбойжон миллий қўшиқлари қаторида, ўзбек, рус, татар, поляк, уйғур, арман мусиқаларидан тузилган попурри садолари янграб, рақсида маҳалланинг каттаю кичиги жўр бўлди.

Садай булар ҳақида кўп эслайди. Айниқса армия сафига кузатилган кунни ҳам тез-тез ёдга олади. Вокзалга оила аъзолари ва қалбига яқин бўлиб қолган қўни-қўшнилар ҳам чиққанди. Уларнинг ҳар бири ўзи билан иккитадан кулча нон олиб, бирини ўз фарзандига, иккинчисини эса катта оила фарзанди Садайга атаганди. Ўша куни Садайга йигирмадан ортиқ нон тишлатилган бўлса, ҳар сафар «Шу нон каби она заминимизнинг бир бўлагисан, ой бориб, омон қайтгин!» деб билдирилган тилаклар ҳануз-ҳануз қулоғи остида янграётганга ўхшайди. Димоғида, қалбининг туб-тубида қолган иссиқ ноннинг бўлакча таъми унга икки йил давомида «ҳамроҳлик» қилиб, она юрти, маҳалладошларини эслатиб турди. Хизматдан қайтиш куни ҳам худди шундай қувончли, байрамона ўтди. Бирин-кетин таниш уйларга кирар экан, ҳар бирида ўша — бир бўлаги тишланган нон кўзига яққол ташланар эди. Ўзбегимнинг бу урфининг маъноси эса ҳаммамизга яхши маълум: уйнинг тўрида нон осиб қўйилган бўлса, демак, бу оилада аскарнинг қайтишини кутишмоқда...

Садай институтни тугатгандан кейин ҳам узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизматни давом эттирди. Лекин ҳар доим маҳалладошлари олдидаги бурчи — миннатдорчилик, фарзандлик ҳақини адо этиш ҳақида ҳам кўп ўйларди.

— Мен Садай билан кўп йиллар бирга хизмат қилдим, — дейди истеъфодаги полковник Исмоил Мамедов. — Шу боис нафақат маҳалладошлари, балки ҳамкасбларининг ҳам унга бўлган бундай муҳаббатли муносабатининг сирини ошкор этишга ҳаққим бор, деб ўйлайман. Садай ўта меҳрибон, куюнчак инсон. Аммо биз уни содда ва самимиятлилиги учун ҳурмат қиламиз. Назаримда, бундай таққос изоҳ талаб этмайди. Бундай инсонлар эса ҳар жойда қадрли. Садай эгаллаган касби бўйича хизматни тўлиқ адо этди. Мана энди бор билим-тажрибасини маҳалласига бахшида этмоқчи. Одамларнинг кўнглига йўл топиш, уларнинг манфаатига хизмат қилишдек машаққатли ишда унга омад ёр бўлишини тилаб қоламан. Очиғини айтиш керак, бунинг уддасидан ҳамма ҳам чиқа олаётгани йўқ. Лекин ҳамкасбим, дўстим, маҳалладошимнинг буни уддалай олишига ишончим комил.

«Темирйўлчи» — Миробод туманидаги бу маҳаллада ўз номи билан асосан темир йўл транспортига алоқадор бўлган аҳоли истиқомат қилади. Балки, маҳаллада ҳаммани шунингдек, айнан умумий иш фаолияти бирлаштиргани, бир-бирини яхши билгани ва тушунгани боис, ўзаро муносабатлар ҳам фарқли равишда ўта мустаҳкамлиги билан ажралиб туради, ҳар қандай ишда ўзаро ҳамжиҳатлик яққол намоён бўлади. Чунончи, олдинги оқсоқолнинг бошлаган хайрли ишларини фақат Садай Аҳмедов давом эттиришга қодир деган фикр кўпчилик томонидан маъқулланди.

Гап шундаки, Маҳамаджон Абутов ушбу вазифада атиги бир йилдан кўпроқ вақт ишлади. Соғлиғи туфайли қолган муддат ичида бурчини сидқидилдан адо эта олмаслигидан афсусда эди. Шу боис маҳалладошларидан муддатидан илгари умумий йиғин чақиришни илтимос қилиб, агарда қарши бўлишмаса, бундан кейин ўз зиммасидаги ишларни Садай Аҳмедовга топшириш таклифини киритди. Ҳар бир оила бу ҳақда хабар топгач, пировардида кенгашиб, шундай қарор қилинди: Садай — шу маҳалла ўғлони, уни ҳамма яхши билади. Ўзини кўрсатиш фурсати келган экан, маҳалла бошқарувини унга топширамиз...

— Бу сафарги фуқаролар йиғини раиси сайловида биз йил бошида билдирган фикр-мулоҳазаларимизни яна бир бор тасдиқлаб олдик, десак бўлади, — дейди 80 ёшли Валентина Мясникова. — Албатта, Садай олдида катта-катта ишлар турибди ва уларни бажариши ва маҳаллани бошқариши лозим. Мен бежиз «бошқариш» сўзига алоҳида тўхталганим йўқ. Ҳар бир жамоа аъзолари раҳбардан ўрнак олиб, иш юритади. Маҳалла ҳам бизнинг умумий уйимиз, барчамизни бирлаштириб турган катта оиладир... Шу кунларда маҳалламиз ҳудудида Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошида очилиши кутилаётган касб-ҳунар коллежининг қурилиши жадаллик билан давом этаётир. Келаси Наврўз айёмига тантанали маросим ўтказилади. Биз, маҳалла аҳли бу ердаги ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида ҳамжиҳатлик билан деярли ҳар якшанба куни ҳашарга чиқаяпмиз. Келгусида бу ерда темирйўлчилар сулолаларининг бўлажак давомчилари таҳсил олади. 1200 ўқувчига мўлжалланган бу даргоҳда маҳалламизнинг ўсмирлари ҳам ҳунар эгаллайди. Устозлар қаторида биз ҳам уларнинг тарбиясига масъуллигимизни ҳис этган ҳолда, ўғил-қизларимизга бир пайтлар Садайга каби панду насиҳатларимизни аямаслигимиз лозим. Умид қиламизки, ўгитларимиз ёшларимизнинг ҳаётида асқотади. Қолаверса, бевосита янги сайланган оқсоқолимизнинг ўзи ҳам уларга яққол намуна бўлади...

Ирина Валатина эса бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси зиммасига бир талай вазифалар юклатилганига яқинда, «Афросиёб» маҳалласида махсус ишчи гуруҳини бошқариши давомида ўз кўзи билан кўриб, амин бўлди.

— Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз, аммо мен маҳалла алифбосидан эндигина сабоқ чиқардим десам бўлади, — алоҳида таъкидлаб ўтди И. Валатина. — Эрта билан ишга кетиб, кеч қайтаман. Баъзан ҳашарларга чиқиб тураман, яқин қўшниларимни яхши танийман. Бироқ бу ҳали маҳалла дегани эмас экан. Ёлғизларга, кўп фарзандли ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари — буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ўз-ўзидан амалга оширилмайди-ку, ахир. Бундай савобли ишларнинг бошида нияти пок, кўнгли дарё, маҳалласига куюнчак инсонлар туради... Оқсоқолликка номзодлар юзасидан аҳолининг фикрини ўрганиш пайтида кўпчилик Элбек Юсуповнинг номини тилга олиб, у ҳар бир оилада маҳалла туйғусини уйғотишга қанчалик ҳаракат қилганини айтиб ўтди. Бу эса унинг номзодига розилик белгиси эди.

— Шу маҳаллада 40 йилдан бери яшайман, — дейди Рауза Валасович. — Аммо, очиғини айтишим керак, маҳалла ҳиссини икки йил бурун, оиламиз бошига келган қайғули кунларда англаб етдим. Қариндош-уруғларимиз келгунга қадар биринчи бўлиб Элбек Юсупов ёрдам қўлини чўзди. Афсусланиб шуни ҳам айтишим кераккки, ўшанда бу инсон маҳалламиз оқсоқоли эканлигини ҳатто билмаганман. Қарангки, гарчи осон бўлмаса-да, у барча ташкилий ишларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, кейинчалик ҳам баъзи оилавий низоларни ҳал этишда кўмаклашди. Ўйлайманки, Элбек Юсуповнинг оқсоқол сифатидаги фаолиятини муносиб баҳолашда фақат бизнинг оила ягона мисол бўлмаса керак. Сайлов куни кўпчилик атроф-ҳудудни ободонлаштириш масалаларига урғу берди. Бироқ бу ишлар бир кишининг зиммасида эмас-ку! Биз ўзимиз ҳам маҳалла фаоллари фаолияти билан тез-тез қизиқиб туришимиз, керак бўлса, шахсан ташаббус кўрсатиб, фаоллар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Маҳаллам учун мен нима қилдим? Бугун мени фуқаролар йиғини раиси янги сайланган кенгаш аъзолари билан нима қилаётгани эмас, балки айнан шу савол қийнаётир.

Дарҳақиқат, сайлов куни кўп қаватли уйлар атрофида айниқса хазон-резги мавсумида тозаликни таъминлаш масаласи юзасидан кўп фикрлар билдирилди. Аҳолининг ишончига яна бир бор сазовор бўлган Элбек Юсупов бу борада махсус транспорт қатновини йўлга қўйиш хусусида ваъда бергани йўқ, балки маҳалладошларини келаётган якшанба куни об-ҳаво қулайлигидан фойдаланиб, ҳашар йўли билан хазонни алоҳида чуқур қазиб тўплашга чақирди. Келгуси баҳорда эса яна бир бор бирлашган ҳолда шу жойда мўъжазгина боғ яратиш таклифини ҳам киритди.

Яқинда биз ушбу маҳалла фаоллари билан боғланиб, эзгу мақсад йўлида биринчи қадам қўйилганидан хабар топдик. Ҳашарга эса аҳоли қаторида шу ҳудудда жойлашган ташкилот ва муассаса жамоалари ҳам қатнашибди. Бундан бизнинг ҳам кўнглимиз кўтарилди. Маҳалла нечоғлик бирлаштирувчи кучга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Кичик бизнес*

# ҚАНДИЛЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ



**МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЯНГИЛАШ, РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ЯНГИ ТЕХНИКАЛАРГА ЭГА БЎЛИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБИДИР.**



Ўз изланишлари, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «NUR EL BISNES» масъулияти чекланган жамияти жорий йилда янги ҳудудга эга бўлди. Эндиликда улар ижарада эмас, балки ўзларининг ишлаб чиқариш ҳудудларида меҳнат қилишмоқда. Бу, албатта тадбиркорларга янада қулай бўлиб, маҳсулот турларини кўпайтириш, янги цехларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, буюртмаларни кўпайтиришда имкон яратади. Корхонада жорий йилда ўзларини зарур хом ашё билан таъминлашни мустаҳкамлаш мақсадида шиша ишлаб чиқариш цехига янги печ қурилди. Бу эса корхонада тайёрланаётган ёритиш жиҳоз ва мосламалари учун шиша тайёрлаш имкониятини беради. Шунингдек, келгусида ушбу цехда рангли шишалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилиши кўзда тутилганки, бу корхонанинг режадаги янги маҳсулоти — кўркам ва харидорбоп қандил ва браларида ўз аксини топади.

— Жорий йилда кўплаб қурилиш ташкилотлари, корхоналар, шифохона, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун сифатли, талаблар даражасидаги ёритиш мослама ва жиҳозларини тайёрлаб бердик, — дейди корхона раҳбари Шоҳид Рашидов. — Маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йилгига нисбатан бир неча баробарга ортди. Айниқса, тайёрланган янги ёритиш мосламаларимиз буюртмачиларга ҳам манзур бўлди. Булар хоналарнинг ички қисмлари учун мўлжалланган 4 ва 2 люминисцент лампали кундузги ёритгичлардир.

Корхона дизайнерлари, шунингдек, ўз маҳсулотларини буюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда яратишга, қурилаётган ва таъмирланаётган бино ҳамда иншоотлар кўркини таъминлашда ҳисса қўшишига эътибор қаратишади. Ёритгичлар хоналар пардози, ҳовли ва майдонлар безаги билан уйғун ҳолда мослашувини таъминлайдилар.

Жорий йилда тадбиркорлар ўзига хос ютуқларга эришишди. Тадбиркор ва ҳунармандларни рағбатлантириш, уларни эл-юртга таништиш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Бектемир тумани ғолиблигини қўлга киритишди. Албатта, ушбу рағбат ва муваффақият уларни янги изланишларга ундамоқда.

Корхона аҳли 2008 йилни ўзига хос тарзда якунлашга интилар эканлар, пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланадиган келгуси йилда шаҳримиз чиройига муносиб ҳисса қўшиш ниятида ҳозирдан янги маҳсулот турлари устида иш олиб боришмоқда. Албатта, ишлаб чиқариш ривожи, яъни янги цехларнинг ишга туширилиши натижасида қўшимча ишчи ўринлари яратиш, жамоа аҳли сафини 50 нафардан зиёдга етказиш кўзда тутилган.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: маҳсулотлар сифатини таъминлашда малакали ишчиларнинг ҳиссалари каттадир.**

**Максим Черногаев олган суратлар**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Бундан миллион йил илгари яшаган улкан ҳайвон — динозавр излари Бразилиянинг Параиба штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиш натижасида аниқланди. Олимларнинг фикрича, из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изларидан ва бошқа органларининг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журнали динозаврнинг Африкадан Шимолий Шарққа томон келганлигини ёзади. Маълум бўлишича, юз миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

● Камёб касб соҳиби Эдхард Воннер Германияда яшайди. У таксидермист эди. Лекин яқинда Эдхардни ҳибсга олишди. Нега дейсизми? У суд олдида ўзининг «профессионал» айби бўйича жавоб берди. Жаноб Воннер ишдан бўш пайтларида автоҳалокат туфайли нобуд бўлган ўз хотини ва икки ўғли жасадини кимёвий воситалар билан қотириб қўйибди. Шу йўл билан вафодор эр ва ота ўз яқинларини асраб қолмоқчи эди. Уларни қотириш жараёнида касбининг тартиб-қоидаларига тўла амал қилди. Расмий кўмиш маросими ўтгач, Эдхард Воннер қабристон қоровулини амаллаб кўндиргач, қабрларни очиб, мурдаларни ўз уйига олиб кетади. Тайёр қотган мурдаларни у ўз уйи ертўласида сақлаган ва бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган.

● Вашингтонда Жон Хопкинс номли тиббиёт мактабида инсон нейронлари лабораторияда синтез қилиб олинди. Нейронларнинг бўлиши ва ўсиши текширувдан ўтказилди. Шу пайтгача инсон ҳужайраларини организмдан ташқарида ўрганиш мумкин бўлмаганди. Қилинган янги кашфиёт инсон мияси биологик кимёсини ва генетикасини ўрганишга, касалланганда керак бўладиган дори-дармонларни қидириш, ҳатто лаборатория шароитларида «эҳтиёт қисмча»ларни ўстиришга имкон беради, деган умид билдирилмоқда.

● Дунёдаги энг кичик атом электр станцияси Нью-Мексика штатидаги машҳур Лос-Аламос лабораториясида америкалик олимлар томонидан бунёд этилган. Барча қурилма олти тонна оғирликда бўлиб, айланаси ва баландлиги 2 метргача катталикдаги цилиндр шаклида. Бу электр станция маҳаллий турар жойларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган, у 20 йил давомида узлуксиз ишлай олади. Энг митти электр моторини бунёд этишга француз Жан Филиппо 1942 йилда муваффақ бўлган. Унинг бўйи 3,5 миллиметр, вазни 0,15 грамм, мотори ҳар дақиқага 4 минг мартадан ортиқ ҳаракатланиб, 2 вольтли кучланишдангина қувват олади.

● Дунёдаги энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 250 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон, икки черков, битта автобус ҳар куни уч марта қатнайди. Икки кўча, кичик ресторан, 16 кўча ёритгичи ва еттитасида доимий одам истиқомат қиладиган 13 та уй мавжуд. Шаҳар илк бор 1102 йилда солномада қайд этилган. У қадимги Рим харобаларида бунёд этилган бўлиб, энг гуллаб-яшнаган даврида 300 га яқин аҳоли яшаган. Хум шаҳар мақомига XIII асрдан эга.

● 1851 йилда Лондонда биринчи халқаро кўргазманинг очилиши муносабати билан Дзожеф Пэкстон ойна ва металл конструкцияларидан узунлиги 500 метр бўлган улкан бинони ҳеч бир қийинчиликсиз қуриб битказди. Бу бино «биллур сарой» номини олди. Бино бунёд этилишида қурилиш материали сифатида ишлатиладиган ойна ва мураккаб конструкциялар меъморчиликда инқилоб юз берганини англатар эди. Гап шундаки, ўша пайтда боғларни барпо этиш ва чирой бериш устида иш олиб бораётган Пэкстон Жанубий Америкадан Англияга олиб келинган ва Англия қироличаси шарафига Виктория – Регия деб номланган улкан нилуфар ҳақида эшитиб қолади. Ўсимликнинг барглари 2 метргача етар ва кичик ёшдаги болаларни бемалол кўтара оларди. Унинг пишиқлиги сири марказдан радиус бўйлаб тарқалган томирлар битта умумий марказга эга бўлган толалар билан чирмашиб кетганида эди. Баргнинг тузилишини ўрганиб чиққан Пэкстон ўз кузатувлари натижасида тик қўйилган устунларга ўрнатилган металл конструкциялар бир-бири билан тўғри бурчак остида кесишиб ўтган улкан ойнаванд бинони бунёд этишга муваффақ бўлди. Бу саройнинг қурилишида ҳам меъморга табиат ёрдам берди.

● Миср эҳромлари қандай жисмлардан тикланган? Баъзи олимларнинг фикрича, юқори Нил қояларидан тош бўлаклари кесиб олиниб, сўнгра қурилишга жўнатилган. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг тахминига кўра эса, бу жисмлар ҳозирги замон фанига номаълум технология асосида, шу жойнинг ўзида тухум оқсили ёки бошқа бир органик моддаларнинг қоришмаси асосида тайёрланган. Бир неча йил муқаддам қандайдир синчков археолог эҳромларнинг биридан инсон соч толасини топиб олади ва бу анча шов-шувларга сабаб бўлади. Яқинда «Дигор» тадқиқот фирмаси олимлари иркутсклик Валерий Горбув ва Сергей Дигон қадимий эҳромлар тилсимининг очилганлигини эълон қилишди. Уларнинг фикрича, мисрликлар қурилиш учун залворли қисмларни шу жойнинг ўзида — саҳрода қум ва денгиз сувидан тайёрлашган. Виктор Дигон ва Александр Дубинин бошчилик қилаётган «Дигор» ва Санкт-Петербургнинг «XXI аср маъдансозлари» фирмаларининг тадқиқотларига кўра, қум зарралари 400 градус иссиқликда маълум вақт қиздирилиб, сўнг совутилса, жуда мустаҳкам жисм ҳосил бўлади. Дигоннинг мулоҳазасига кўра, қадимий усталар яратган жисмни «Дигор» фирмаси ҳам айнан шу ҳолида ярата олди. Бугунги кунда «Саҳройи Кабир» қумларидангина эмас, бошқа барча саҳро қумларидан ҳам ҳеч қандай сарф-харажатларсиз абадий сақланадиган бинолар учун истаган қурилиш ускунасини тайёрлаш мумкин.

● Корея Ярим оролининг аҳолиси мана 2 минг йилдан бери турмушда ачитқи ўт оиласига мансуб, баргларида 20 фоиздан зиёд шойи толаси бўлган Осиё ўсимлиги — рамидан тўқиладиган газламадан тикилган кийимларни кияди. «Моси» — корейсларнинг ушбу анъанавий газламаси ана шундай номланади. У хотин-қизларнинг либослари ва блузкаларини, шунингдек, эркакларнинг енгил кўйлакларини тикишда қўлланилади. Минг йил илгаригидек, ҳозир ҳам «Моси» тайёрлаш технология жараёни қўл меҳнати билан бажарилади. Одатда ана шу газламани тайёрлаш билан бир қишлоқнинг бутун аҳолиси шуғулланади. Қишлоқнинг ҳар бир хонадони ана шу мураккаб ва ниҳоятда сермеҳнат жараённинг маълум бир қисмини бажаради. Бир неча ўн йил муқаддам ўзаро рақобат курашида нисбатан арзон сунъий толаларга ўз ўрнини бўшатиб берган «Моси» ҳозир яна ўз мавқеини тикламоқда. Бунинг боиси шундаки, ана шу газламадан тикилган кийим-кечаклар қуёшнинг жазирама нурларини ўтказмайди, нам юқтирмайди, деярли ғижимланмайди, энг муҳими кўпгина хасталикларни келтириб чиқарувчи статик электр қувватини ҳосил қилмайди.

# СОХТА ДОРИЛАР — САЛОМАТЛИГИМИЗ КУШАНДАСИ

**ИНСОН УЧУН САЛОМАТЛИКДАНДА ҚАДРЛИРОҚ БОЙЛИК ЙЎҚ. ЎЗ НАВБАТИДА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ҲАМ ФУҚАРОЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН САНАЛАДИ. ШУ САБАБЛИ ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ БЕРИЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН.**

«Иссиқ жон иситмасиз бўлмас», дейди халқимиз. Табиийки, тан-сиҳатлик билан хасталик ёнма-ён юради. Дардга чалинган киши борки, имкон қадар ундан тезроқ қутулишга ҳаракат қилади. Шифокорга боради, керакли дори-дармонларни истеъмол қилади. Ҳаммаси шундай. Бироқ...

Ҳамма гап ана шу дори воситаларининг дардманга қай даражада дармон бўла олишида. Бошқача айтганда, аҳоли саломатлиги кўп жиҳатдан истеъмолдаги дори воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг сифатига боғлиқ.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан пойтахтимиз ҳудудидаги дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан текширувлар ўтказилганда ана шу оддий ҳақиқат яна бир бор ойдинлашди.

Мазкур текширувлар давомида қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, қонунга зид равишда қабул қилинган норматив ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 22 та протест келтирилди, 79 нафар масъул ва мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараб келган 64 нафар масъул ва мансабдор шахс интизомий, турли ҳуқуқбузарликлар содир этган 232 нафар шахс маъмурий ва 24 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш ҳақида 39 та тақдимнома, етказилган зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судларига 17 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 27 та жиноят иши қўзғатилди.

Текширишлардан шу нарса маълум бўладики, эл саломатлигига зарар етказиб бўлса-да даромад кўриш дардида юрган «тадбиркор»лар ҳали ҳам кам эмас.

Жумладан, Учтепа туманида жойлашган «Биомед» МЧЖ мансабдор шахслари умумий миқдори 1.544.395.647 сўмлик 120 турдаги дори-дармонларни Республикамиз ҳудудига олиб киришиб, шундан муддати ўтган 254.127.822 сўмлик 27 турдаги дори-воситаларини белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш ўрнига, истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 67.089.316 сўмлик дори воситаларини сотиб юборишган. Бундан ташқари, «Биомед» МЧЖнинг мансабдор шахслари томонидан корхона омборларида ишлаб чиқариш манбаи ноаниқ бўлган ва ҳеч бир ҳужжатда кирим қилинмаган 7 миллион 500 минг сўмлик 8 турдаги дори воситалари сотиш учун тайёрлаб қўйилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Учтепа туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Универсал фарм» қўшма корхонаси бош директори М.Валламов корхонанинг сифат бўйича бош директор ўринбосари Х.Бекчанов ва омбор мудири И.Умаровлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган 22 турдаги субстанцияларни корхона омборхоналарида келгусида дори-дармон воситалари тайёрлашда фойдаланиш мақсадида сақлаб келишган. Текшириш жараёнида улар ушбу сақлаш ва яроқлилик муддати ўтган субстанциялардан фойдаланган ҳолда 2008 йил 6 январь кунидан 2008 йил 6 май кунига қадар умумий нархи 330.313.645 сўмни ташкил этувчи дори воситаларини ишлаб чиқариб, ноқонуний равишда муомалага киритишгани маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

«Авикон-мед» МЧЖда ўтказилган текширишда жамият дорихонасида истеъмолчиларнинг соғлиғи учун хавф туғдирувчи, яъни яроқлилик муддати ўтган 17546 сўмлик аскорбин кислотаси, 1400 сўмлик наъматак сиропи сақланаётгани ва ҳеч бир ҳужжатда кирим қилинмаган 53 турдаги 336850 сўмлик дори воситалари мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, музлаткичда сақланиши шарт бўлган дорилар пештахтага териб қўйилган.

Чилонзор туманидаги «Вардон-Замин» хусусий фирмаси дорихонасида ўтказилган текширишда ҳам дорихона мудири Ж.Авезов ва провизор Н.Воҳидовлар томонидан муддати ўтган ва тегишли сифат сертификати бўлмаган 282350 сўмлик дори воситаларини сотиш мақсадида сақлаб келаётгани маълум бўлган.

Юқоридаги ҳар иккала ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, текширув ўтказилган айрим дорихоналар ва уларнинг омборларида санитария қоидаларига риоя қилинмаган.

Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан «Remedy» МЧЖ қўшма корхонасига қарашли дорихонада ўтказилган текширув давомида ҳам қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Корхона омборида яроқлилик муддати тугаган, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган умумий қиймати 1925 АҚШ доллари миқдоридаги 275 килограмм «Аскорбин кислота» субстанцияси ваколатли идоралар вакиллари иштирокида йўқ қилиниши ўрнига шу кунга қадар сақлаб келинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, фармацевтика, доришунослик ўта масъулиятли, ходимлардан тегишли малака талаб этадиган соҳа. Соҳада фаолият юритиш учун киши махсус базавий маълумотга эга бўлиши керак. Аммо айрим юртдошларимизнинг бу борада ҳам сохтакорлик йўлини тутишганига ачинасан, киши.

Мисол учун, шаҳар прокуратураси томонидан Бектемир туманида фаолият кўрсатган «Бахтлик-саломатлик» хусусий фирмасига қарашли дорихонада ишловчи ходимларнинг базавий маълумотлари бўйича текширув ўтказилганда, дорихона провизори Раъно Ҳусанованинг қалбаки диплом билан икки йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётгани аниқланди. Шунингдек, текширишлар давомида мазкур тумандаги «Гулсуной» МЧЖга қарашли дорихонада фармацевт-сотувчи вазифасида ишлаб келган Шавкат Жабборов ҳам сохта диплом «соҳиби» эканлиги маълум бўлди. Ҳозирда Р.Ҳусанова, Ш.Жабборовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1 ва 3-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, ҳар бир дарднинг давоси бор. Аммо ноқонуний даромад топиш дардига йўлиққан, нафсини тия олмаганларни ҳеч қандай дори-дармон билан даволаб бўлмайди. Бундай кишилар қонуний жазо билангина ўзларига «шифо» топишлари мумкин.

**М.МИРЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

**ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАН ДАВОМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАГИ «МИЛЛИЙ FОЯ ТАРFИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎFРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. ПЛЕНУМДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОШЛАНFИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ РАИСЛАРИ, ТАРМОҚ КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

*Қарор ва ижро*

## РЕЖАЛИ АСОСДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРАЛАРИ

Пленумда сўзга чиққан асосий маърузачи — тармоқ касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиев ва бошқалар мустақил республикамизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарнинг ривожлантирилишига ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар. Зеро, аҳоли ўртасида, биринчи навбатда ёшлар онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳисларини шакллантириш касаба уюшмалари ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифалар сирасига киради.

— Давлатимиз раҳбари Қарорида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, — деди жумладан З.Худойбердиев, — тармоғимиз касаба уюшма ташкилотлари ушбу йўналишда меҳнаткашлар, фахрийлар, ёшлар ва талабалар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Кейинги пайтларда тармоқда маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Бектемир, Юнусобод, Миробод, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Сергели ва Учтепа туманлари тармоқ Кенгашлари ходимлари касаба уюшмалари етакчилари, фаоллари, «Лаҳисам» МЧЖ, «Нур-Кайковус» шўъба корхонаси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказилиб, уларда Мустақиллик йилларида халқимиз томонидан босиб ўтилган зафарли йўл, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган улкан ютуқлар хусусида сўз борди.

Тармоқ меҳнат жамоаларида маънавият ва маърифат масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда, самара бераётган иш усуллари кенг оммалаштирилмоқда. Масалан, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда маънавият ва маърифат хоналари жиҳозланган, керакли адабиётлар билан таъминланган. «Карвон» бирлашган касаба уюшма ташкилоти эса касаба уюшма қўмиталарининг мазкур йўналишдаги фаолиятлари тўғрисида суратли кўргазма ташкил этди.

Кишиларда аждодларимизнинг бой маънавий мероси тўғрисидаги қизиқишларни ошириш мақсадида тармоқда фаолият кўрсатаётган 300 нафар ходимлар учун Самарқанд ва Бухорога сафар ташкил этилди. Унда тармоқ ходимлари қадимги шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди, Самарқанд ва бухоролик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашишди. Шунингдек, Юнусобод ва Собир Раҳимов туманларидаги корхоналарда фаолият кўрсатаётган 200 нафар ходимлар учун Ҳазрати Имом мажмуасига экскурсия уюштирилди.

Тармоқда гиёванд моддалар тарқалишига қарши курашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада барча туманларда «Ёшлар гиёвандликка қарши «Соғлом турмуш тарзи учун», «Гиёвандлик — XXI аср вабоси» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ва тадбирлар уюштирилди. Шундай йирик тадбирлардан бири «Спорт — соғлом турмуш тарзи» шиори остида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Тармоқнинг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши «Камолот» ЁИҲ Маънавият тарғибот марказларининг туман бўлими ҳамда «Кундала» ижтимоий ёрдам халқаро маркази ташкилотчилигида уюштирилди. Унда 200 дан ортиқ ёшлар олтита спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашишди.

Сўнг маърузачи пойтахтнинг туман Кенгашлари, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан ўтказилаётган оммавий маданий тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди. Масалан, А.Навоий номидаги Миллий боғда Ёшлар йилига бағишланган қўшиқ фестивалининг иккинчи босқичи ўтказилиб, унда иштирок этган тармоқнинг турли ижодий жамоалари инсоннинг маънавий оламини бойитувчи санъатнинг буюк кучини амалда намойиш этдилар.

Тармоқ меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш учун жалб этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Фақат жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида тармоқ касаба уюшмалари Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур туман Кенгашлари, «Карвон» ОПК ва шаҳар Кенгаши томонидан Ёшлар йилига бағишлаб туман ва шаҳар спартакиадалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларда ўнта спорт тури бўйича тармоқда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларидан мингга яқин киши иштирок этди. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, Митрофанов номидаги спорт мажмуасига қатнаш ишларига йил бошидан буён 2 миллион 201,3 минг сўм маблағ сарфланди.

Маъруза юзасидан музокараларда Темурийлар тарихи Давлат музейи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сурайё Ўлжабоева, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази раҳбари ўринбосари Михаил Ходиев, «Karvon sport» ОФРС раиси Суҳбат Пўлатов, тармоқнинг Яккасарой туман кенгаши етакчиси Машҳура Хўжаева, Тошкент шаҳар менежмент ва технология касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Собитжон Муталов ва бошқалар сўзга чиқишиб, тармоқда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**



*2008 — Ёшлар йили*

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА ҲАЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИДАН ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ТУРМУШ ШАРОИТИДАН ТОРТИБ ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШЛАРИГА ҚАДАР КЎМАКЛАШИШ СИНГАРИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ЎРИН ОЛГАН.**

Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ва унинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан, куни кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликда Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ёшлар йилига бағишлаб ўтказган катта байрам тадбири ҳам юқоридаги мақсадлар йўлида ташкил этилганлиги билан эътиборга сазовордир.



Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфида 15 та олий ўқув юрти, 11 та туман кенгаши ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси мавжуд. Ушбу ўқув юртларида айни кунларда 68031 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Шулардан 13221 нафари талабалар турар жойларида яшайдилар. Ўқув муассасаларида кундузги бўлимда таҳсил олаётган талабалар қаторида 254 нафар ногирон, 221 нафар ота-онасиз ва боқувчисини йўқотган ҳамда 2267 нафар кам таъминланган оила фарзандлари бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар айниқса Ёшлар йилида кенг кўламда давом этмоқда.

— Келажак бунёдкорлари бўлмиш ёшларни қўллаб-қувватлаш, имкон борича ғамхўрлик кўрсатиш, кам таъминланган оила фарзандларига ижтимоий-иқтисодий томондан кўмак бериш, шунингдек, иқтидорли талабаларни тақдирлаш мақсадида бундай тадбир ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тойиба Акрамова.— Мақсадимиз илм-фан йўлида ўқиб изланаётган ёшларга давлатимиз ва шахсан Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасини намоён этиш, шу билан бирга улар ҳам мана шу ишончга муносиб тарзда вояга етган ҳолда ватанпарвар ва юртига садоқатли бўлиб камол топишларига ҳисса қўшишдир.

Тадбир давомида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 260 нафар ва касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиётган 120 нафар ота-онаси ва боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон талабаларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек 32 нафар иқтидорли талабалар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан 2008-2009 ўқув йили учун таъсис этилган «Махсус устама стипендияси» гувоҳномаси ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тадбир сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий гуруҳи томонидан «Дадажон демайман» спектакли намойиш этилди. Ёшларга ҳар томонлама фойдали ва маънавий-маърифий озиқ бўлиб хизмат қиладиган ушбу спектакль барчага ғоятда манзур бўлди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар.**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИ

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ДАВРИДА ШАҲАРДАГИ МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ – ИШ БЕРУВЧИ БИЛАН ХОДИМЛАР ЎРТАСИДАГИ МЕҲНАТГА ОИД ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА КАСБГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА ТУЗИЛМОҚДА.**

Бунда жамоа шартномалари Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларига, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тузилиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Жамоа шартномаси тадбирларининг бажарилиши учун ҳар бир ходимга ўртача ҳисобда сарфланган маблағ 2006 йилда 272977,6 сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 330714,1 сўм бўлиб, 21 фоизга ошди.

Тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари берган маълумотларга биноан 2007 йилда ўртача иш ҳақи миқдори 122305 сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 38,5 фоизга ортди.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурини амалга татбиқ этиш юзасидан шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ўзининг дастурини ишлаб чиқди ва ижро учун тармоқ шаҳар ташкилотларига юборди. Давлат дастури доирасида ўтган 9 ойда пойтахт корхона, ташкилот ва муассасаларидаги имзоланган жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали, қатор ишлар қилинди. Жумладан, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари хизматидаги корхоналар томонидан жамоа шартномалари орқали Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, талаба ва ўқувчилардан жами 5766 нафарига ҳамда Меҳрибонлик, мурувват, саховат уйларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан жами 39 миллион 791 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

261 та корхонада кам таъминланган ёш оилаларга ҳамда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш оналарнинг 1046 нафарига корхоналар ҳисобидан 92 миллион сўм миқдоридаги моддий ёрдам берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 17 та корхонада янги оилаларнинг 51 нафарига 128 миллион минг сўмлик ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг 297 нафарига, шаҳардаги 68 та корхоналар томонидан 73 миллион сўмдан зиёд контракт пулларининг бир қисми тўланди. Шаҳардаги корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалардан жами 730 нафари профилакторийларда имтиёзли соғломлаштирилди. Бу мақсадларга касаба уюшмалари ҳисобидан 54 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Ҳозирги шароитда ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи – энг долзарб муаммо сифатида пойтахт касаба уюшмалари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларининг узвий қисмидир.

Бирлашма Кенгаши томонидан бу масаланинг доимий мониторинги олиб борилиб, жойларга чиқиб қарздорлик сабаблари ўрганиляпти, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари мутасаддилари билан тегишли чоралар кўрилмоқда. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича «Ҳаракат тартиби»га биноан 2008 йилнинг 9 ойида иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида касаба уюшма органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 9 марта иш берувчилар олдига қўйилган оғзаки мурожаатлар ва расмий талабномалар орқали 127 миллион 475 минг сўм ундирилди. Мазкур муаммо касаба уюшма мажлисларида 6 марта, раёсат йиғилишларида 2 марта кўриб чиқилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 3 маротаба мурожаатлар қилинди. Натижада 745 миллион сўм миқдорида нақд пул ундирилиб, ишчи - хизматчиларга тарқатилди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга биноан 2006-2010 йилларда меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳудудий иш ўринларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда татбиқ этиш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ҳамкорликда уюштириш мақсадида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Раёсати ҳамда шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси 2006 йилда қўшма қарор қабул қилди ҳамда чора–тадбирлар тасдиқланди.

2008 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Тошкент шаҳрида ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш масаласини енгиллаштириш, иш берувчи билан юзма-юз мулоқотда бўлиш мақсадида туманларда йил бошидан жами 63та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Бу ярмаркаларда 27306 нафар фуқаро қатнашди, 11165 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди, 16141 нафарига маслаҳат берилди.

Тошкент шаҳридаги 2242 та ташкилот ва корхоналар 2008 йил 1 октябрь ҳолати бўйича туман «Бандликка кўмаклашувчи марказ»ларига бўш иш жойлари ҳақида маълумот бердилар, буларнинг 825 тасида 12017 та бўш иш жойлари мавжуд бўлиб, 7812 таси ишчи касблар ва 4205 таси техник, муҳандис-хизматчи ходимлар учундир. Бош бошқарма ҳамда туман Бандликка кўмаклашувчи марказлари ходимлари томонидан вақтинча ишламаётган аҳолини иш билан таъминлаш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан 27637 нафар ишга жойлаштирилган фуқаролардан 14437 нафари аёллардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан касаба уюшмалари томонидан касаначиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирларга кўмаклашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижроия қўмитасининг қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Бунда, иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш, қонун ҳужжатларида касаначиларнинг белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш касаба уюшмаларининг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Бугунги кунгача пойтахтимизда жойлашган 33 та корхонада касаначилар меҳнатидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу корхоналар асосан «Ўзметмашсаноат», Савдо, Маданият, Енгил ва мебель, Ёқилғи-энергетика касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари хизматидаги корхоналар бўлиб, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан касаначиларнинг ижтимоий–иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳамда меҳнатини муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатлар, услубий қўлланма ва маълумотлар билан таъминланди. Улар орқали саноат корхоналари билан касаначилар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда ишлайдиган фуқароларни асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш учун барқарор шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни топшириш ва унинг учун ўз вақтида ҳақ тўлаш, касаначилар учун меҳнат меъёрлари ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш, касаначиларни меҳнат қоидаларига ўқитиш каби қатор масалалар бўйича ушбу корхоналардаги қабул қилинган жамоа шартномаларига қўшимчалар киритилиб ҳамда назоратга олиниб, 829 нафар касаначилар манфаатлари ҳимояга олинди, улардан 420 нафари аёллардир.

2007 ва 2008 йилнинг 9 ойи давомида амалдаги қонунчиликни тарғибот қилишга оид 132 та семинарлар, давра суҳбатлари ва чиқишлар ўтказилди. Жумладан, корхоналарда 81 та, аҳоли ўртасида 13 та давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситаларида эса 12 маротаба чиқишлар амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимоя касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, жамоа шартномаси орқали бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

**Бахтиёр ҲАМИДОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг мудири**

# Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**Нокасларга бўлма баробар,**
**Ҳожатмандлар ҳожатин чиқар.**

* * *

**Эшигингни қоқиб келса гар гадо,**
**Борингни бер, қилма баҳона асло.**

* * *

**Бахиллик дарахтин меваси тикан,**
**Дардмандлар жигари ундан чок экан.**

* * *

**Лутфу карам ваъда қилсанг,**
**аҳдинг бузма ҳеч қачон,**
**Сахийларга ярашар фақат саховат, эҳсон.**

* * *

**Бой дарвешга деди: “Йўл босиб йироқ,**
**Нега келдинг мендан хайр-эҳсон сўраб?”**
**Деди: “Нега келдинг?” – деган яхшироқ**
**“Не учун келмадинг?” – дегандан кўра!”**

* * *

**Ҳар дилга қаноат қадами етса,**
**Ундаги бор ҳирсу тамаъ ўлади.**
**Қаноат матоъин қайда арз этса,**
**Ҳирс-тамаъ бозори касод бўлади.**

* * *

**Нозу неъматидан жаҳоннинг сенга**
**Қаноатнинг аччиқ бир луқмаси бас.**
**Ҳар томон узатма тамаъ қўлини**
**Қилиб бошқаларнинг ҳалвосин ҳавас.**

* * *

**Дилингни тамаъдан узоқ тут, жигар,**
**Тамаъ туфайли қуш тузоққа тушар.**

* * *

**Бу дунёда қисмат азалдан шулдир:**
**Қаноатли озод, тамагир қулдир.**
**Нафс учун ўзингдай бир бандага, бас,**
**Қул бўлсанг, бу жаҳолатдан ўзгамас.**

* * *

**Ҳирс гулхани тутаб ётар ҳамма вақт,**
**Қаноат гулшани сари айла шахт.**
**Гул унса қаноат тупроғидан, бас,**
**Хушбўй ҳид таратар ҳар он, ҳар нафас.**

* * *

**Бу каби таомдан нафсинг тия бил,**
**Бир луқма емасдан, десалар: бас қил!**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

*ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!*

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар совриндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган ҳайвонлар: уссури йўлбарслари, қўнғир айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масхарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

*Томошалар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади. Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.*

Тошкент Давлат Цирки

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртаклари» цирк спектаклига таклиф этамиз.*

Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

